



O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Shu aziz Vatan — barchamizniki

• 2007-yil • 15-dekabr • Shanba • 152 (27.797) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

«Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек ҳар бир сайлов участкасида сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан биттадан кузатувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар...»

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасидан.

Бизнинг қароримиз

Мамлакатимиз Президентини сайлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Сайлов куни яқинлашгани сари бизнинг моҳиятини тобора чуқурроқ англаб бораёмиз, — дейишмоқда нишонлик ёшлар.

13,7 миллион евролик асар

Парижда ўтказилган кимовиди савдосида британиялик расом Френсис Бэконнинг (1909-1992) қаламига мансуб «Ўтирган аёл» асари рекорд кўрсаткич — 13,7 миллион еврога сотилди.



Мардлик тимсоли

Ҳамид ака кўпинча «Жоним ўнта бўлсаю, мустамлака даврида турли мамлакатларга сочилик кетган адабий кўлэмалар, тарихий меросимизни юртимизга қайтар олсам», дерди.



Юракдаги гаплар

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимда «Ижтимоий ҳимоя йили»да айниқса, фуқаролар саломамлигини мустаҳкамлаш, инсон манфаатларини ҳимоялаш борасида кенг қўлланма ишлар амалга оширилгани чуқур таҳлил этиб берилди. Хусусан, бизнинг вилоятда ҳам «Меҳрибонлик» уйлари, аҳолининг кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож қатламлари, кексалар, пенсионерлар ҳамда ногиронларга катта миқдорда кўмак берилди. Ҳукуматимизнинг бу борадаги изчил сайё-ҳаракатларини барча кўриб, билиб, миннатдор бўлиб турибди.

2008 йилни «Ёшлар йили» деб эълон қилиниши ҳам айна мудида бўлди, деб ўйлайман. Зеро тантанали маросимда таъкидлаб ўтилганидек: «...Аҳолиимизнинг аксарият қисмини ташкил этадиган ёшларимизнинг ҳали-бери ечилмаган муаммоларига эътиборимизни жалб этиш, уларни ҳаётимизда ҳақиқатан ҳам ҳал қилувчи кучга айлантириш масаласи жамоатчилигимизнинг диққат марказида туриши шарт».

Жамоамизнинг катта қисмини ёшлар ташкил этади. Демак, биз ҳам уларнинг касб маҳоратларини ошириш, жамоатчилик фаолиятини кучайтириш, оилавий ахлоқларига эътибор қаратиш ва зарур ҳолларда ёрдам уюштириш бўйича аниқ режаларни ишлаб чиқишимиз керак бўлади.

Абдулла ҚўЧҚОРОВ,
Фарғона вилоят санитария-эпидемиология станцияси бош врачси ўринбосари.



Тинчлик ва фаровонлик учун овоз берамиз

Янгийўл шаҳрида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 202-участка сайлов комиссиясига бир гуруҳ ёшлар кириб келишди. Уларнинг сайлов ҳақидаги саволларига бурро-бурро жавоб қайтарилган қиз эътиборимизни тортди.

— Шаҳноза Аюбжонова, Янгийўл тиббиёт коллежи талабаси, — деб таништирди у ўзини. — Бу йил биринчи бор овоз бераман. Устозларимизнинг сайлов ҳақидаги суҳбатларидан кўп нарса ўргандик. Бундан ташқари, коллежимиз биносида жойлашган ушбу участка сайлов комиссия аъзоларидан сайлов ҳуқуқи, фуқаролик бурчи ҳақидаги саволларга тегишли жавоб олдим. Сайловга оид қонунларни, барча номзодларнинг дастури ва уларнинг ҳаёти, фаолиятини ўрганиб чиқдим. Ўзимни 23 декабрь куни бўладиган сайловда овоз беришга тайёрман деб биламан. Бу орада участка сайлов комиссияси аъзоси Мунира

Алиева ёшларнинг қўлига «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунни тутқазди.

— Шаҳнозахон тўғри айтди, — деди у. — Саволингизга батафсил жавобни мана шу ҳужжатдан олишингиз мумкин. Марҳамат, мана бу хонага кириб. Бу ерда сайловга оид барча ҳужжатлар бор. Сайлов кампанияси ҳақидаги янгиликларни эса газеталар орқали билиб олишингиз мумкин.

— Турли саволлар билан муносабат қилаётган аҳолининг асосий қисми биринчи бор овоз бераётган ёшлардир, — деб суҳбатни давом эттиради участка сайлов комиссияси раиси Бахтиёр Оқбоев. — Участкамизда овоз берадиган 2274 фуқаронинг 470 нафари сайловда биринчи бор иштирок этаётган ўғил-қизларимиз. Ўтказаятган тадбир ва учрашуларда уларнинг қизиқиши назарда тутилган ҳолда тушунтириш ишлари олиб борилапти.

Участкада ҳаёт қайнайди. Овоз бериш хоналари, сайлов қўтилари тахт. Тиббиёт хона-



си, она ва бола хоналари талаб даражасида жиҳозланган. Хонага кириб келган аёлни «Мустақиллик» маҳалла фуқаролар йиғини диний-маъри-

фий ишлар бўйича маслаҳатчиси Карима Умаралиева деб таништиришди.

2-бет

23 ДЕКАБРЬ — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

Аслиддин Рустамовнинг Андижон вилояти сайловчилари билан учрашуви

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Аслиддин Рустамов 14 декабрь куни Андижон вилояти сайловчилари билан учрашди

Учрашуви Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 3-Андижон округ сайлов комиссиясининг раиси А.Султонов очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили, «Нуроний» жамғармаси Андижон шаҳар кенгаши раисининг ўринбосари Турғун Тожиева сайловчиларни номзоднинг таржимаи ҳоли ва дастури билан таништирди. Дастурда истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилган кенг қўлланма ислохотлар ўзининг юксак самараларини бераётгани таъкидланган. Мамлакатимиз иқтисодий ва халқимиз фаровонлиги тобора юксалмоқда, аҳолининг

ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Пенсия таъминоти тизими такомиллашиб, ижтимоий нафақалар миқдори, аҳолининг реал даромадлари муттасил оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентиликка номзод А.Рустамов учрашувда нутқ сўзлади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Асака шаҳар кенгашининг раиси Мўйдинжон Дадажонов, Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгашининг «Истиқбол» ёшлар қаноти раҳбари Шохруҳ Абдурахмонов, ХДП Қўрғонтепа туман кенгаши

раиси Зулмуом Каримова ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кўппартиявийлик ва муқобиллик асосида ўтаётгани мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат шаклланишидан, сайлов тизимларимиз умумэтироф этилган халқаро нормаларга тўла мос келишидан далолат эканлигини таъкидладилар. Сайловчиларни 2007 йил 23 декабрь куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга қаҳқирдилар. Президентликка номзод А.Рустамовнинг дастури ҳақида уларнинг фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

С.ШУҚУРОВ,
ЎЗА мухбири

Кузатувчи

сайлов жараёнининг муҳим иштирокчиси

Бугун дунёда сайловларни ўтказишда очиқлик, ошқоралиқни таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Қарерда сайлов жараёнининг шفافлиги таъминланмаса, адолатли кураш кечгани, тенглик таъминлангани ҳам шубҳа остида қолади. Мамлакатимизда истиқлол йилларида демократик сайлов тизими шаклланди. Сайловларда демократик тамойилларни таъминлашда эса кузатувчилик институтининг ҳам алоҳида ўрни бор. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунда кузатувчиларнинг, шу жумладан, халқаро ташкилотлар, ҳаракатлар ва хорижий давлатлар кузатувчиларининг Ўзбекистон Рес-

публикаси Президенти сайловини кузатиш ҳуқуқи кафолатланган. Мамлакатимизда 23 декабрь куни бўлиб ўтадиган Президент сайловида 300 га яқин хорижий кузатувчи иштирок этиши кутилапти. Айна пайтда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ижроия кўмитаси Кузатувчилар миссияси юртимизда ўз фаолиятини бошлади. Худди шунингдек, Европа, Осиё, Америка Қўшма Штатлари, мусулмон ва араб давлатларининг вакиллари ҳам сайлов жараёнини қандай ўтишини кузатади.

Сиёсий фанлар номзоди, Минтақавий сивасат жамғармаси эксперти Ақтам Жалиловнинг таъкидлашича, сайлов-

ларда халқаро кузатувчиларнинг иштирок этиши бу жараёнининг шفافлигини кўрсатувчи омиллардан биридир. Демократик жамият, ҳуқуқий давлат қураман деган ҳар бир мамлакат сайловларнинг демократик асосда ўтишини таъминлайди. Мана бизда ҳам ана шундай ошқора сайлов тизими амал қилапти. Сайловларимизда халқаро кузатувчиларнинг иштирок этиши аслида биз учун янгилик эмас. Аввалги сайловларимизда ҳам улар кузатувчилик қилишган. Биз юртимизда шаклланган сайлов тизимини халқаро жамоатчилик вакиллари ўз кўзлари билан кўриши ва ҳолис баҳо бериши тарафдоримиз.

(Давоми 2-бетда)

Муносабат

— Бугун биз, ёшларнинг гўхта билим олишимиз, замонавий касб-хунар эгаллашимиз учун етарли шарт-шароитлар яратиб берилган, — дейди Тошкент менежмент ва технологиялар коллежи 3-курс талабаси Шоҳиста Миррасулова.



Суратларда: Тошкент менежмент ва технологиялар коллежининг бир гуруҳ иқтидорли талабалари. Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган сурат.

— Бизнинг имкониятларимизни янада яхшилаш, келгусида фаровон ҳаёт кечиршимиз мақсадида 2008 йил «Ёшлар йили» деб эълон қилинди. Биз коллеж ўқувчилари бундан жуда хурсанд бўлдик. Ўз-ўзидан маълумки, янги йилда бизларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг қўлама янада кенгайтириш, шарт-шароитларимиз эса бундан-да яхши бўлади.

Касб-хунар коллежларини тамомлаган ёшларни иш билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор берилди. Энди биз коллежни тугатгач, ҳеч қийинчиликсиз ишга жойлашимиз мумкин. Биз, ёшлар эса ана шу ғамхўрлик ва эътирофларга чин маънода лойиқ бўлишга ҳаракат қилишимиз керак.

Эътироф

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Индонезия Халқ вакиллари кенгаши Спикери Агун Лаксоно раҳбарлигидаги делегация аъзолари Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университетини профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашди.

Тадбирда мамлакатимизда юқори малакали кадрлар тайёрлаш, ёшларнинг қўлланма билим олиши учун зарур шароит яратиш, олий таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш борасида амалга оширилган кенг қўлланма ислохотлар ўз самараларини бераётгани кайд этилди.

А.Лаксоно Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университетини фаолияти билан танишар экан, бу ердаги янги тизимга, талабаларнинг пухта билим олиши учун яратилган қўлай шарт-шароитга юксак баҳо берди.

— Мамлакатимизда бошқа жабҳалар қатори таълим соҳасига ҳам катта эътибор қаратилаётганининг гувоҳи бўлдик, — деди А.Лаксоно. — Индонезия Ўзбекистон билан шу тармоқдаги ҳамкорликни ҳам янада мустаҳкамлашдан манфаатдор. Юртингизга ташрифимиз асносида гўзал ва қадимий Самарқанд шаҳрини зиёрат қилганимиздан ниҳоятда мамнунимиз. Меъморий обиддалар, тарихий ёдгорликлар ва муқаддас қадимжолар бизда унутилмас таассурот қолдирди.

Ирода УМАРОВА,
ЎЗА мухбири

O'zbekiston havo yo'li



Хизматлар лицензияланган

Бизнинг қароримиз

мамлакатимиз Президентини сайлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади, — дейишмоқда нишонлик ёшлар



**23 ДЕКАБРЬ —
Ўзбекистон Республикаси
Президенти сайлови куни**

Нишон тумани марказидаги энг кўрам биналардан бири — янгидан қурилган машииний хизмат касб-хунар коллежидир. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтказувчи 502-Янги Нишон участка сайлов комиссияси жойлашган. Коллеж ҳовлисига кириб борганимизда ўқувчилар машғулотда экан. Сайлов комиссияси учун ораста, шина хоналар ажратилди. Катта залда сайловчилар фойдаланишлари учун алоҳида хоначалар ҳозирланган.

— Сайловга пухта ҳозирлик қўраймиз, — дейди участка сайлов комиссияси раиси Фофур Тўрабоев. — Сайловчилар зарур адабиётлар, сайловга оид қонунлар, матбуот нашрларининг янги сонларидан фойдаланишлари мумкин. Участкамизда овоз берадиган 4300 нафар, шу жумладан 73 нафар биринчи марта овоз берадиган сайловчи рўйхатга олинган.

— Мамлакатимиз ҳаётида

энг муҳим сиёсий воқеа бўлган Президент сайловини қонун талаблари асосида ўтказиш учун барчамиз масъулмиз, — дея сўхбатта қўшилди «Маҳалла» хайрия жамғармаси Нишон туман бўлими раиси Араб Қобилов. — Билсангиз, туманимизнинг худуди жуда катта. Масалан, қоракўлчилик-наслчилик ҳўжалиги чўпон-чўликлари яйловларда, ўз отарлари боқиладиган жойларда истиқомат қилишади. Жами 8 та қишлоқ, 15 та маҳалла фуқаролар йиғини худудида 33 та сайлов участкаси тузилган. Сайловчиларимиз 52700 киши. Шу жумладан 1700 нафари биринчи марта овоз бераётган сайловчилардир. Барча сайлов участкаларида шароит яхши. Қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ходимлари, фаолларимиз сайлов ҳақидаги қонун талабларини тушунтириш ва бошқа тадбирлар ўтказиш билан ҳар кун сайловчилар орасида.

— Босиб ўтилган ўн олти йил орасида рўй берган бе-

қийс ўзгаришларни айтиб адо этиш қийин, — дейди коллежнинг руҳиятшунослик фани ўқитувчиси Гулзода Ёқубова. — Айниқса, ёшлар камолоти, таълим, мактаб, коллеж, лицейлар қурилишига сарфланган маблағлар ўз самарасини беради, албатта. Масалан, чўл бағрида тикланган коллежимиз 450 ўринли, 100 ўринли ётоқхонаси ҳам бор. Тиқш-бичиш, молия, автомобиль бошқариш каби 6 йўналишда машғул ўтказилмоқда. Мана, мендан сайлов ҳақидаги фикрини сўраясиз. Партиясиз ва ташаббускор гуруҳдан кўрсатилган номзодларнинг дастурларини сайловчилар, улар қаторида биз ўқитувчилар ҳам ўрганиб бораёямиз. Назаримда, сайловдан сайловга одамларимизнинг сиёсий онги ўсиб бораёпти. Амалга ошаётган ислохотларда давлат раҳбари муҳим ўрин тутуши ҳеч кимга сир эмас, мамлакат раҳбари ким бўлишини сайловчиларнинг ўзлари танлай-



дилар. Демак, халқ иродаси давлат бошқарувида ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Чарос ҚИЛИЧЕВА: — Мен коллеж клубонасида ишлаймман. Сайловда илк бор қатнашимиз. Ҳар бир сайловчининг овози мамлакат раҳбарини сайлашда муҳим аҳамиятга эга эканини яхши биламан. Шунинг учун ҳозирдан 23 декабрь куни кимнинг номзодини қўллаб-қувватлашим ҳақида жиддий ўйлаб қўрайман.

Наргиза ҲУСАИНОВА: — Келгусида иқтисодий бўлмоқчиман. Ҳозир коллежнинг молия бўлимида таълим олаётман. Устозларимиз фан сир-

лари билан бирга, бўлажак сайловларнинг аҳамияти, давлат қурилиши ва бошқа масалаларда ҳам керакли маълумотларни беришапти. Ҳар бир сайловчи овоз беришда онгли равишда иштирок этиши лозимлигини таъкидлашаёпти. Мен эса сайлов куни яқинлашгани сари бунинг моҳиятини тобора чуқурроқ англаб бораёяман. Менинг овозим мамлакат Президентини сайлашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини чуқур англаймман.

Сайловда илк марта қатнашаётган Илс Номозов, Зарип Қулбоев, Ғиёс Номозов ва бошқалар билан ҳам сўх-

батлашар эканмиз, улар мамлакатимизда кечаётган янгиликлар, катта ўзгаришлардан хабардор ва ўз мақсад оруз-ниятларига эга эканликларига амин бўлдик. Мамлакат, юрт раҳбарини сайлаш ҳақида гап кетар экан, ҳар бир киши келажак учун, Ватанимизнинг янада юксалиши, халқимизнинг фаровон яшаш учун овоз беради. Касб-хунар ўрганаётган, камолот сари интилаётган ёшларимиз бунинг чуқур англамоқдалар.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида Қонун байрами Кенг нишонланди

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Навоий вилоят кенгаши Конституциянинг 15 йиллиги ва Давлат мадҳияси қабул қилинган кун муносабати билан жойларда қатор байрам тадбирлари ва давра сўхбатлари ўтказди.

— Мамлакатимизда инсон шайни, кадр-қимматини ҳимоя этувчи мустақам ҳуқуқий асос яратилган бўлиб, унинг асоси, пойдевори Конституциямиздир. Вилоятда партиямиз фаоллари, аъзолари ва электорат вакиллари ҳам Конституцияда белгиланган ўз ҳуқуқ ва эркинликларини чуқур ҳис қилиб, бу кунни кўтаринки руҳда нишонлади — дейди Ўзбекистон ХДП Навоий вилоят партия кенгаши раиси Шерали Умаров.

Жумладан, Зарафшон шаҳар партия кенгаши қатор ташкилотлар, ҳомийлар қўмағида шаҳардаги «Олтин қудий» маданият саройида «Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги учун» мавзусида байрам тадбири ўтказди.

Худуддаги барча ўқув муассасалари, корхона ва ташкилотларда байрам муносабати билан ўрашувлар, давра сўхбатлари, маданий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтди, фаолларимиз ва партиямиздан маҳаллий вакиллик органлари депутатлари уларда иштирок этиб, ҳуқуқ ва эркинликларимизнинг ишончли кафолати бўлган — Бош қомусимизнинг асосий жиҳатлари, унинг ҳаётимизда тутган ўрни ҳақида гапириб бердилар. Қонимех туман партия кенгаши ва туман ҳокимлиги «Конституция — асосий қомусимиз» мавзусида катта байрам тадбирини ташкил этди. Тадбир ташкилотчилари ўзгаришларни байрам билан табриқлаб, «Шўхрат» медалига сазовор бўлган Ўзбекистон ХДП аъзолари Боймурод Елибоев ва Елибой Мирзалиевларни муқофот билан қутлашди.

Тадрбирларда Ўзбекистон ХДПнинг бир гуруҳ фаолларига эсдалик совғалари топширилди.

Ўзбекистон ХДП МК
матбуот хизмати.


ЎзХДП воқеалар, хабарлар, янгиликлар

Собир Раҳимов туманидаги 46-мактабда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллиги бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Туман партия кенгаши раиси Камолитдин Акрамов партиянинг электорати бўлган халқ таълими ходимларини ихтимойий ҳимоялаш бўйича асосий қонунимиз берган имкониятлар ва олиб борилаётган амалий ишлар, бу соҳада ҳал этилиши лозим бўлган масалалар ҳақида гапирди.

Юнусобод туман кенгаши туман Маънавият тарғибот маркази билан ҳамкорликда «Ўзбекистонда демократия» заводида Конституция кунига бағишланган давра сўхбати ташкил этди. Унда корхона ходимлари қатнашдилар. Ўзбекистон ХДП Юнусобод туман кенгаши раиси Нигора Эшметова Конституциямизда белгиланган мақсад-вазифалар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловчи фуқароларнинг давлатни бошқаришдаги иштирокини яна бир қара амалда намойён этиши ҳақида ўз фикрларини билдирди. Туман партия кенгаши Жамоатчилик қабулхонасининг фуқароларга турли масалаларни ҳал этишда ҳуқуқий ва амалий ёрдам кўрсатаётгани йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

Учтепа туман кенгаши фаолларининг «Она ва бола» маркази жамоаси билан Конституция кунига бағишланган ўрашуви бўлиб ўтди. Унда тиббиёт муассасасининг 100 нафардан ортиқ ходимлари иштирок этди. Мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш жараёнида электорат манфаатини ҳимоялашга қаратилган ЎзХДП дастурий мақсадлари ва фаолияти ҳақида туман партия кенгаши раиси Маҳмуд Ёқубов сўзлаб берди.

Тинчлик ва фаровонлик учун овоз берамиз



Суратларда: участка сайлов комиссияси фаолиятдан лавҳалар. Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар.

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Сайлов кампанияси бошланганидан буён комиссия аъзолари билан бирга, бетоб ва ногиронлар олдига бориб сўхбатлар қилаёямиз, — дейди у. — Уларни номзодларнинг ҳаёт йўли ва дастурлари билан ақидан таништирдик. Бугун овоз бериш учун куннинг қайси пайти қулай эканини аниқлаймиз. Шу асосда сайлов қўлиларини етказиб, овоз беришни ташкил қиламиз.

Биз улар билан бирга Фитрат кўчасида яшовчи ногирон Антонина Матвеева ҳузурига бордик.

— Нафақадан, — дейди онахон. — Сайлов комиссияси аъзолари келиб, Президентликка номзодлар билан атрофича таништиришди, менинг овозим ҳам мамлакат тақдирини аҳамият касб этишини ҳис қилиб турибман. Ва бир инсон сифатида давлатимизни гамўўрлигимизда баҳраманд бўлаёяман. Ўзим танлаган номзод учун овоз бераман. Истагим — халқимиз 23 декабрь куни сайлайдиган ўртбоси эл фаровонлиги, тинчлиги йўлида ҳишлат қилиб, халқимизни ёруғ манзиллар сари бошлайверсин.

Шарофат Йўлдошева,
«Ўзбекистон овози» мухбири

«Истиқбол» — ЎзХДП ёшлар қаноти

Барча ҳуқуқларимиз кафолати

Конституция мазмун-моҳиятига кўра энг мукамал сиёсий-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Чунки у ҳар бир фуқароннинг тақдирига бевосита дахлдор асосий қонунимиздир. Конституциямиз қабул қилинган кунни кенг нишонлаш ва турли тадбирлар ўтказиш аънаёнага айланган. Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти томонидан ташкил этилган давра сўхбати ҳам Бош қонунимиз аҳамиятига бағишланди. Анжуманда туман ва шаҳар партия кенгашлари «Истиқбол» ёшлар қаноти раислари, фаоллари, ҳамкор ташкилотлар, ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

ЎзХДП Қорақалпоғистон Республика кенгаши раиси Атаулла Асанов Конституциямизнинг ҳаётимиздаги ўрни, инсонпарварлик моҳияти ҳақида тўхтади. «Ёшларнинг сиёсий маданиятини шакллантириш ва уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ЎзХДПнинг ўрни» мавзусида Жўрғори Кенгесдаги ЎзХДП фракцияси раиси ўринбосари Елибой Бегманов сўзлади.

ЎзХДП Марказий Кенгаш масъул ходими «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси Акмал Умаралиев, ёшларнинг Конституцияда белгиланган ҳуқуқлари ва бурчлари ҳақида тўхтади. Ушбу ҳужжат барча ҳуқуқларимизнинг кафолати эканини таъкидлади.

Ёшлар масалаларига оид қонун ҳужжатларини тарғиб қилишда «Истиқбол» ёшлар қанотининг жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлиги» мавзусида ЎзХДП Қорақалпоғистон Республика кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси ўринбосари Ботир Керимбаев, «Ёшларни ихтимойий ҳимоя қилиш ва уларнинг интеллектуал салоҳиятини намойён этишдаги имкониятлар» мавзусида «Камолот» ЕИҲ Нукус шаҳар кенгаши раиси, ЎзХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши аъзоси Муратбай Ёшмуратовлар чиқиш қилдилар.

Баҳс-мунозара, савол-жавоб жараёнида «Истиқбол» ёшлар қаноти фаолиятини такомиллаштириш, қанот фаолларининг ташаббускорлигини ошириш, ХДП депутатлик гуруҳлари, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни мустақамлаш зарурлиги таъкидланди. Ёшлар муаммоларини ҳал қилишда маҳаллий партия кенгашларининг Жамоатчилик қабулхоналари имкониятидан самарали фойдаланиш, ёшларнинг ташаббускорлик ва интилувчанлик қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган тадбирларни тез-тез ўтказиш тақлиф қилинди. «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоллари орасидан партия сайланма органлари аъзоллиги, маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодлар захираларини тайёрлаш бўйича фикрлар билдирилди.

Қорақалпоғистон Республикасидаги 26514 нафар Ўзбекистон ХДП аъзосининг 6 мингга яқини 30 ёшгача бўлган ёшлардан иборат. Уларни бирлаштириш «Истиқбол» ёшлар қаноти ҳамда бошланғич партия ташкилотлари Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикалари Конституциялари қабул қилинган кунлар муносабати билан «Ёшларнинг Конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш масалалари», «Конституция: ҳуқуқ ва мажбуриятлар» каби мавзуларда қўлаб ўрашув, давра сўхбатлари, викториналар, танловлар ўтказди.

Женгистул ИБАДУЛЛАЕВА,
Қорақалпоқ давлат ўниверситети журналистика бўлими 4-курс талабаси, «Истиқбол» ёшлар қаноти аъзоси.




Корхонада иш қизғин

Шу кунларда «Қувадонмахсулотлари» очик акциядорлик жамиятининг ун ишлаб чиқариш, уруғлик дон тайёрлаш ҳамда макарон цехларида иш қизғин.

Корхона бу йил Қува тумани ва Қувасой шҳаридаги фермер хўжалиқларига 2,5 минг тоннадан зиёд уруғлик дон етказиб берди. Бу борада Акбаробод, Янгиқишлоқ ва Беҳзор дон тарқатиш шохобчалари намунали хизмат кўрсатди.

— Жамоамиз бугунги кунда фермер хўжалиқларидан ташқари қўлаб корхоналарга ҳам уруғлик дон етказиб беради, — дейди очик акциядорлик жамияти раиси ўринбосари Қосимжон Набиев. — Хусусан, Тошкент вилоятидаги «Охангарон», «Тошкентдонмахсулот» очик акциядорлик жамияти ҳамда «Фалла-Алтег» донни қайта ишлаш корхонасини дон билан таъминлайди. «Қувадонмахсулотлари» акциядорлик жамиятининг ун ишлаб чиқариш цехида эса бир кеча-кундузда 120 тоннагача махсулот тайёрланмоқда.



Суратларда: «Қувадонмахсулотлари» очик акциядорлик жамиятининг ун ишлаб чиқариш цехи ишчиси Содик Набиев; бошқарув пулти оператори Бектемур Абдуқодиров.

Муқимжон ҚОДИРОВ
(ЎЗА) олган суратлар.

Кузатувчи

сайлов жараёнининг муҳим иштирокчиси

(Давоми. Боши 1-бетда)

Сайлов билан боғлиқ барча жараёнлар қонун асосида, демократик тамойиллар, халқаро меъёрлар, хорижий давлатларнинг илғор тажрибасига мос равишда ташкил этилаёпти. Шунинг учун истаган халқаро ташкилот ёки хорижий давлат вакили юртимизда ўтаётган сайлов жараёнларини кузатиши мумкин. Бунинг учун барча йўللар очик.

Масаланинг сиёсий томони шундаки, халқаро кузатувчилар шунчаки келиб кетишмайди. Фаолиятининг яқини, хулосаларини бутун дунёга эълон қилади. Бу эса мамлакатнинг халқаро майдондаги оғру-эйтибори билан бевосита боғлиқ масала...

Юртимиздаги Президент сайловини нафақат халқаро, балки 23 минг маҳаллий кузатувчи ҳам кузатиб боради. Сайловда ўз номзоди билан қатнашаётган сиёсий партиялар, фуқароларнинг ташаббускор гуруҳи ўз кузатувчиларини тайинлашдан манфаатдор.

— Кузатувчилар институти демократик жараёнларни қўллаб-қувватлашга қаратилган, — дейди Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари

Олим Равшанов. — Юртимизда бу борада катта тажриба тўпланган. Бу ўз навбатида сайловнинг ошқоралик ва очиклик, тенглик ва умумийлик, эркинлик ва адолатчилик каби демократик тамойилларга қанчалик мос ўтиши устидан ўзига хос кузатуви амалга оширишни таъминлайди. **Шу боис ҳам Ўзбекистон ХДП мамлакатимиздаги барча сайлов участкаларини буйича ўз кузатувчиларини белгилади. 8 мингдан ортиқ кузатувчимизга Марказий сайлов комиссияси томонидан тақдим этилган кузатувчиларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, вазифалари ва фаолияти бағишланган махсус эслатмалар берилди.**

— Марказий сайлов комиссиясининг шу йил 18 сентябрдаги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловда иштирок этувчи сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан кузатувчилар учун эслатма ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловда бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан қатнашадиган кузатувчилар тўғрисида низоом тасдиқланган, — дейди Марказий сайлов

комиссияси раиси ўринбосари Кўчкор Тоғоев. — Ушбу ҳужжатлар МСКнинг Ахборотномасида эълон қилинди ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан бирга округ ҳамда участка сайлов комиссияларига етказиб берилди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентлиги ўз номзодини кўрсатган сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳи кузатувчилари тўғрисида тақдим этган ҳужжатлар округ сайлов комиссияларига қўриб чиқилиб, улар маҳаллий кузатувчи сифатида рўйхатга олинди ҳамда МСК белгилаган намунадаги маддатлар топширилди. Округ ва участка сайлов комиссиялари улар ўз кузатувларини тўлақонли амалга оширишлари учун қонунчиликда белгиланган барча шарт-шароитларни яратиб беради.

Кўрииб турибдики, сайлов кампанияси жараёнида кузатувчиларнинг алоҳида ўрни бор. Улар фаолияти учун кенг шароитлар яратилаёпти. Бу эса сайловнинг демократик тамойиллари асосида, очик-ошқора ўтишининг яна бир муҳим омилдир.

Бехзод ШУКУРОВ

Солиқ ва ислохот

Тизимдаги изчил сиёсат

аҳолининг ижтимоий ҳимояси хизматида

Бугунги кунда муҳим устувор вазифалардан бири — иқтисодийнинг барқарор, мутаносиб суръатларда ўсиши ва таркибий ўзгаришлар ҳамда модернизациялашни таъминлаш, унинг энг муҳим тармоқларини техник-технологик жиҳатдан янгиллаш, шунингдек, солиқ сиёсатини эркинлаштириш бўлиб турибди. Шу билан, мамлакатда ҳукуматимиз томонидан ижтимоий ҳимояни кучайтириш ҳамда ишлаб чиқаришни модернизациялашга алоҳида эътибор қаратилиб, қатор солиқ имтиёзлари ҳам яратилмоқда.

Буни ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири — хизмат кўрсатиш соҳаси амалиётида ҳам яққол кўриш мумкин. Мазкур соҳани ривожлантиришдан кўзланган мақсад — жамиятда унинг турларини кўпайтириш, янги иш ўринлари барпо этиш ва аҳолининг реал даромадларини оширишга йўналтирилган.

Тахририят мазкур мавзуда кенгроқ сўз юритишни сўраб, давлат солиқ хизматининг икки мутахассисига мурожаат қилди.

Олимжон ИСАЕВ, Тошкент шаҳар, Бектемир тумани ДСИ Бош давлат солиқ инспектори, иқтисод фанлари номзоди:

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилганлиги натижа-сида биргина ўтган йил аҳолига хизмат кўрсатиш ҳажми 19,3 фоизга ўсиб ва у мамлакат янги ички маҳсулотига 39,5 фоиз улushi ташкил этди. Соҳада, хусусан, замонавий телекоммуникация ва уяли алоқа хизматлари, молия, банк, сугурта ҳамда бошқа хизматларнинг жадал ривожланишига эришилганлиги тўғрисида 2006 йил давомида 137 минг янги иш ўринлари яратилди. Уларнинг янада тараққий қилиши учун қатор солиқ имтиёзлари берилди. Бу борада ўтган йилнинг 17 апрелида давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республика-

лиани, ветеринария, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари тайёрлаш, машина — трактор паркларига хизматлар ҳажми ҳамда турларини оширишга катта урғу берилди. Аънанавий хизмат турлари билан бирга, юридик, консалтинг, банк, молия, сугурта, лизинг ва баҳолаш хизматлари сингари янги, истиқболли хизмат турларини жадал ривожлантириш устуворлик касб этди.

Шунингдек, қарорда мамлакатимиз корхоналарининг халқаро бозордаги хизматлари даражаси ва сифатини ошириш ҳамда шу асосда хизматлар экспортини кўпайтириш режалари ҳам белгиланди. Бундай кенг қўламли ишлар ихросини таъминлаш учун аввало, хизматлар кўрсатиш соҳасида ишлайдиган барча кадрларни олдиндан тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва улар малакасини улўқисз ошириб беришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш вазифаси қўйилди.

Аниқроқ айтадиган бўлсак, Қарорга кўра, 2006 йилнинг 1 апрелидан бошлаб, лизинг, сугурта, аудит, бухгалтер, бухгалтерия хисобини юритиш, микрокредитлаш, чарм буюмлари ва пойабзал таъмирлаш, соатларни тузатиш, маиший электрон техника ва электр асбобларини соғлаш, ветеринария, таълим соҳасида компьютерга ўқитиш, болалар спорт секциялари ҳамда муассасалари бўйича хизматлар, шунингдек, ногиронлар, қариялар ва гўдакларни парвариш қилиш билан боғлиқ ижтимоий хизмат кўрсатаётган юридик шахслар уч йил муддатга даромад (фойда) ва ягона солиқ тўловларидан озод этилди. Бу борада Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томони-

дан «Айрим хизматларни кўрсатаётган юридик шахслар учун даромад (фойда) солиги ва ягона солиқ тўлови бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги Низом» ҳам ишлаб чиқилди. У 2006 йил 17 июлда Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказилди...

Жаҳонгир УСМОНОВ, Чирчиқ шаҳар ДСИ «Юридик шахслардан тўловларни бюджетга тушумини назорат ва таҳлил қилиш» бўлими бошлиғи:

— Ҳамкасбим менимча мазкур доирасини етарлича очиб берди. Мен фақат унинг айрим жиҳатларини тўлдирмоқчиман. Таъкидлаш жоиз, аҳолининг ижтимоий ҳимояси йўлида солиқ сиёсатида жуда катта ишлар қилинаётгани, имтиёзлар берилганлиги, аиникса, солиқ юкни камайтириш борасида изчил сиёсат олиб борилаётгани Юртобшмизнинг шу йил 30 август кунин сўзлагани «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг жадаллаштириш бўлими бўлиши» қарори бу борада хизмат кўрсатувчи микрофирма ва кичик корхоналар учун яна бир қўлайлик, яна бир имтиёз бўлди.

Қолаверса, «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг жадаллаштириш бўлими бўлиши» қарори бу борада хизмат кўрсатувчи микрофирма ва кичик корхоналар учун яна бир қўлайлик, яна бир имтиёз бўлди. Қолаверса, «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг жадаллаштириш бўлими бўлиши» қарори бу борада хизмат кўрсатувчи микрофирма ва кичик корхоналар учун яна бир қўлайлик, яна бир имтиёз бўлди.

